



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 11 ноябрь, № 240 (8583)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ — ИШОНЧЛИ ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

10 ноябрь куни «Кўксарой» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифига биноан мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Италия Республикаси Президенти Сержо Маттареллани расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Италия Президенти ва унинг қизи — мамлакат биринчи ледисини Ўзбекистон Президенти ва рафикаси самимий қарши олдилар.

Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла «Кўксарой» қароргоҳида икки томонлама музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, Италия Президентининг ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Сержо Маттарелла Ўзбекистон етакчисига таклиф ҳамда Италия делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик

учун дилдан миннатдорлик билдирди.

Италия Президенти янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган орта қайтмас ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади ҳамда мамлакатимизнинг Марказий Осиёда барқарорлини таъминлаш ва интеграциялашувни кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Икки томонлама стратегик шерикликни ва устувор йўналишлардаги кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти жорий йил июнь ойида Италияга расмий ташриф давомида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари парламентлар таъкидлаб, Италия Президентининг ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Сержо Маттарелла Ўзбекистон етакчисига таклиф ҳамда Италия делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик

«Марказий Осиё — Италия» мулоқоти доирасида ҳам фаол алоқалар давом эттирилди.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида жорий йил бошидан ўзаро товар айирбошлаш 30 фоизга ошди. Қўшма лойиҳалар портфели 9 миллиард еврони ташкил этди.

Савдо муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида Савдога кўмаклашиш комплекс дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Италиянинг етакчи компаниялари билан металлургия, энергетика, электротехника, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларда муваффақиятли кооперация қилинаётгани қайд этилди.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётни модернизация қилиш лойиҳаларида Италиянинг илгор ва юқори технология компанияларини жалб қилишдан манфаатдор экани билдирилди.

Томонлар Тошкент шаҳрида саноат кооперациясини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган «Конфиндустрия

Ўзбекистон» саноатчилар уюшмаси очилганини олқишладилар.

Ҳукуматлараро гуруҳ доирасида маҳаллийлаштиришнинг янги йўналишлари ва лойиҳалари бўйича таклифлар тайёрлашга келишиб олинди.

Италия Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига тез фурсатда киришни ҳамда Европа Иттифоқи билан кенгайтирилган шериклик тўғрисидаги битимнинг қабул қилишни қўллаб-қувватлашга тайёрлиги билдирилди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантириш муҳимлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Италия ҳудудлари форумини таъсис этиш ва унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказиш таклиф қилинди.

Бундан ташқари, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари атрафлича муҳокама қилинди.

Тошкентдаги Турин политехника университети филиалининг фаолияти бу борадаги муваффақиятли шерикликка мисол экани қайд этилди.

Ушбу етакчи олий таълим даргоҳи негизда Италиянинг илгор технологиялари трансфери маркази ташкил этилади.

Ўзбекистонда италян тилини ўрганишга қизиқиш ўсиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Мақтабларимизда италян тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва мақтабларимизда уни ўқитишни босқичма-босқич жорий қилиш муҳимлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Шунингдек, Италияда қўшма тасвирий санъат кўргазмаларини ўтказиш режалари муҳокама қилинди.

Халқларимиз бир-бирининг бой ва бетакрор маданий-тарихий мероси билан танишиши учун мамлакатларимизда Ўзбекистон ва Италия маданият, кино ва туризм кунлари ўтказилди.

Самарқанд археология институти ҳамда Болонья ва Неаполь университетларининг қўшма гуруҳи томонидан олиб борилаётган археология излашлари юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари академик алмашинувларни кенгайтириш ҳамда қўшма Таълим форумини ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, хавфсизликка умумий таҳдид ва хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни давом эттириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг музокаралари якунида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга

қаратилган Қўшма баёнот қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари ҳузурда Дипломатик паспорт эгаларини виза тартиб-таомилларидан озод этиш тўғрисида Ҳукуматлараро битим ҳамда таълим, фан, технология ва инновациялар, спорт соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишувлар имзоланди.

Ўзбекистон — Италия саммити дастури доирасида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Сержо Маттарелла дарахт экиш маросимида иштирок этдилар.

«Кўксарой» қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонида давлат раҳбарлари биргаликда арча эқдлар. Бу халқларимиз ўртасидаги аънаваний дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиб, Ўзбекистон ва Италиянинг кўп қиррали ҳамкорлиги ва стратегик шериклиги кенгайиб бораётганининг рамзи бўлади.

Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюрди.

Бу ерда олий мартабали меҳмон Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Уч минг йилдан зиёд давр — она Ватанимиз ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи илдизлари шу қадар тевран. Монументга эътибор қаратган киши мана шу залварли ўтмишнинг бадиий ифодасига гувоҳ бўлади. Меҳмонга мажмуада ифодаланган ана шу тарих, унинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Олий мартабали меҳмонлар, расмий хорижий делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида бу ердаги монументга гул қўйиш аънамага айланган.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди. Тинчлик, эркинлик, эзгулик тимсоли бўлган Ҳумо қуши тасвири мажмуанинг бамисоли гултожидай кўриниши эътироф этилди.

Олий мартабали меҳмон Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети фаолияти билан ҳам танишди.

Ушбу олий таълим муассасаси Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда ташкил этилганга ўн тўрт йил бўлмоқда. Муассасада ўтган даврда автомобилсозлик, энергетика сановати, архитектура каби соҳаларга қўллаб-қўллаб малакали кадрлар тайёрланди.

Таълим тизимидаги бундай ютуқ қайд этилишининг асосий омиллардан бири Ўзбекистон ва Италия ўқув дастурлари орасидаги тафовутлар йўғинлаштирилганидир. Шунингдек, таълим жараёнига замонавий метод-

лар татбиқ этилганида дейиш мумкин.

Италия Республикаси Президенти Сержо Маттареллага кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган натижалар ҳақида маълумот берилди.

Айни пайтда бу ерда 2 минг нафардан ортиқ ёшлар таълим олмақда. Битирувчилар бир пайтнинг ўзида икита — Италиянинг Турин политехника университети ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети дипломига эга бўлади.

Шу ўринда Италиянинг Турин политехника университети ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтамиз. Ушбу таълим муассасаси 1859 йил ташкил этилган. У Европанинг энг илгор техника университетларидан бири саналади. Таълим жараёни илмий ва амалий тадқиқот билан фаол равишда бирга олиб борилиши билан ажралиб туради. У ўн саккиз факультет ва қўллаб-қўллаб йирик автотомобиль ҳамда бошқа корхоналар учун асосий илмий-тадқиқот маркази бўлган лабораторияларни ўз ичига олади.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университети мана шундай тарихий ривожланиш босқичларига эга муассаса билан доимий ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистонда халқаро эътирофдаги, замонавий талабларга мос келувчи таълим даргоҳининг очилгани қўллаб-қўллаб римизнинг тегишли соҳаларда ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда маъруз университетни ривожлантириш бўйича тегишли стратегия ишлаб чиқилган. У бўйича келгусида янги таълим йўналишларини очиб, талабалар қабулини кўпайтириш режалаштирилган. Автомобилсозлик, қурилиш ва энергетика сановатида замонавий билим ва кўникмаларга эга малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшимча факультетлар ташкил этилади.

Таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Олий мартабали меҳмон шу куни ташриф дастури доирасида Самарқанд шаҳрига келди.

Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелланинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли тиббиёт ходимлари!

Аввало, ўз ҳаётини эл-юрт саломатлигини асрашдақ олижаноб ишга бағишлаб келаётган сиз, азизларни қутлуг қасб байрамингиз — Тиббиёт ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман.

Биз Янги Ўзбекистонда инсон қадр ва манфаатларини таъминлашни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу йилда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши табиийдир.

Айни шу мақсадда кейинги йилларда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Соҳанинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Тизимга илгор давлолаш ва диагностика усуллари, инновацион технологиялар кенг татбиқ этилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз туйғайли бирламчи ва малакали тиббий хизматлар аҳолининг кенг қатламларига кириб бормоқда. Бунинг тасдиғини шу йилнинг ўзида жойларда 22 та оилавий поликлиника, 93 та оилавий шифокорлик пункти ва 394 та малакали тиббиёт пункти ташкил этилиб, бирламчи тиббий хизматлар 2 миллион 100 минг нафардан зиёд аҳолига яқинлаштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда сўз юртдагда, 8 миллион 600 минг нафар аҳоли профилактик тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 685 минг нафари амбулатор, 72 минг нафари эса стационар шартда соғломлаштирилгани, скрининг текширувлари орқали 167 минг нафар юртдошимизда юрак-қон томир, 52 минг нафарида қандли диабет касаллиги аниқланиб, уларнинг саломатлигини тиклаш чоралари кўрилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, тугма юрак нуқсонли бўлган 2 минг нафар боланинг давлат ҳисобидан

операция қилингани ёш авлодга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишининг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Соҳага давлат тиббий сугуртаси ва рақамлаштириш механизмлари билан бирга хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти ҳам кенг жорий этилмоқда. Шифохоналарни замонавий транспорт ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш даражаси кескин яқинлашмоқда.

Айнан ана шундай ўзгаришлар, жонкуяр шифокорлар, юқори малакали тиббиёт мутахассислари, ҳамшираларнинг машаққатли меҳнати туйғайли юқори технология жарроҳлик операцияларини нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туманларда ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда ва минглаб беморлар ўз дардига шифо топтомоқда.

Соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнги 7 йилда ушбу тизимда самарали хизмат қилиб келаётган юртдошларимиздан 727 нафари Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Бугунги байрам муносабати билан уларнинг сафига яна қўллаб-қўллаб тиббиёт ходимлари меҳнати туйғайли юқори технология жарроҳлик операцияларини нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туманларда ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда ва минглаб беморлар ўз дардига шифо топтомоқда.

Азиз дўстлар!

Биз «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида тиббиёт соҳасида ҳам улкан ўзгаришларни амалга оширишни режа қилганмиз. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш, бунинг учун тиббиётга йўналтирилаётган маблағлар ҳажмини 2 баробар ошириш,

онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш, Ўзбекистонни сил хасталигидан холи мамлакатга айлантириш устувор вазифамиз бўлади.

Шунингдек, 350 минг нафар диабет ва 1 миллион 500 минг нафар юрак-қон томир касаллиги билан оғирган беморларни даволаш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этиш, беморларни гемодиализ ўринлари билан тўлиқ қамраб олиш бўйича ҳам амалий ишларни бошлаймиз.

Аҳоли ўртасида мустаҳкам саломатлик гарови бўлган соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қадрили тиббиёт ходимлари! Барчамиз биргаликда ҳаракат қилиб, тиббиёт соҳасини чинакам ҳалқчил тизимга айлантириш бўйича олдимизда турган улкан вазифаларни албатта муваффақиятли адо этамиз.

Ўз қасамидига, касби ва бурчига садоқат билан меҳнат қилаётган, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимиз аънаваларининг давомчилари бўлган сиз, азизлар бундан буён ҳам шу эзгу йўлда бор билим ва тажрибангизни сафарбар этасиз, деб ишонаман.

Сизларни Тиббиёт ходимлари куни билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, гоёта шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда сийхат-саломатлик, ютуқ ва омадлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини муваффақиятли таъминлаш, замонавий даволаш усуллари аниқлаштиришга кенг татбиқ этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўйган муносиб ҳиссаси, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта ҳизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Азизов Сабит Курбанович — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг 1-гемодиализ бўлими мудири

Нуралиева Гүлноза Сағдуллаевна — Республика махсус 1-Зангиота шифохонаси бош педиатри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Махмудова Санобар Юсуповна — Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими акушер-гинеколог, Самарқанд вилояти

Шек Александр Борисович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак ишемик касалликлари лабораторияси мудири

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Маманазаров Курбан Мамаражабович — Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали травматология, ортопедия, халқ табиоти жарроҳлиги, нейрорехабилитация, анестезиология ва тез тиббий ёрдам кафедраси ассистенти, Сурхондарё вилояти

Эминов Баходир Жўраевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали болалар реанимацияси бўлими анестезиолог-реаниматолог, Фарғона вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жаббаров Ашир Норқолиевич — Қашаги тумани тиббиёт бирлашмасининг «Чим» филиали шифохонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Косимова Динорахон Сиддиковна — Чортоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Наманган вилояти

Мўйинова Дилбархон Усарбоевна — Булокбоши туманидаги «Майарик» оилавий шифокорлик пункти ҳамшираси, Андижон вилояти

Хужаев Нуриддин Хуррамович — Жомбой тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Самарқанд вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Алиев Шерзод Махмуджанович — Академик В. Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг катталар кардиохирургияси бўлими мудири

Ахмадалиева Ҳуршида Мухамадалиевна — Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Бобокелдиева Ҳамида Эргашевна — Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг бокс-брюлелёз бўлими мудири

Ерназаров Оралбай — Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч қабул бўлими терапевти, Қоракалпоғистон Республикаси

Каримов Муродулла Юлдашев — Тошкент тиббиёт академиясининг травматология, ортопедия ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси мудири

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Молайханов Рустам Худайберганович — Тошкент шаҳридаги 4-клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими шифокори
Нуриллаева Марифат Тагаевна — Навоий вилояти эндохринология диспансери эндохринолог
Рўзиева Азиза Комаровна — Олот тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси кардиолог, Бухоро вилояти
Саломова Раъно Хайруллаевна — Бўка туманидаги 10-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Тошкент вилояти
Тажиёва Наргиза Ўринбоевна — Қўшқўпир тумани кўп тармоқли поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Хоразм вилояти
Тожибоев Акмалхон Абдурахманович — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали жарроҳлик бўлими мудири, Наманган вилояти
Тожиёв Шомурод Мусурмонович — Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими мудири, Қашқадарё вилояти
Тўхтаев Тоҳиддин Парпиевич — Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси бош фельдшери, Андижон вилояти

«Дўстлик» ордени билан
Бердиев Ахмад Ниёзмахмадович — Сароисиё туманидаги «Гулистон» оилавий шифокорлик пунктининг «Карш» тоғли худуди патронаж фельдшери, Сурхондарё вилояти
Жуманазарова Асилхон Довулбаевна — Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг «Нанай» худудий бўлими болалар шифокори, Наманган вилояти
Малькова Елена Михайловна — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Соғлиқни сақлаш хизмати марказий поликлиникаси тиббий пункти терапевти
Оразлиев Базарбай Хаитбаевич — Беруний тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими жаррохи, Қорақалпоғистон Республикаси
Раимжанов Абдулазиз Абдухуфизович — Фарғона шаҳридаги «ASAF Medical» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти
Ташпанбетова Калжан Калдибаевна — Қонимех туманидаги «Саржал» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Навоий вилояти

«Соғлом турмуш» медал билан
Акбутаева Дилфуза Абдуманнаповна — Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази катта ҳамшираси
Каримов Хусан Раимбердиевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вилояти филиали ҳайдовчиси
Мустанов Абдусамид Норсаатович — Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жомат саломатлиги кўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи
Насриева Муҳаббат Джўраевна — Бухоро туманидаги 3-оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Бухоро вилояти
Рахматуллаева Махбуба Латифовна — Янгийўл туманидаги 72-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Тошкент вилояти
«Шўхрат» медал билан
Атажанова Замира Нуруллаевна — Эллақалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг анестезиология ва реанимация бўлими катта ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси
Куранбаев Рустам Алминович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Хоразм вилояти филиали Урганч тумани бўлими фельдшери

Махамадинамова Шоира Абдувалиевна — Юнусобод туманидаги «Otolaringolog» хусусий клиникаси отоларингологи, Тошкент шаҳри
Мўминова Адолат Холматовна — Зомин туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Жиззах вилояти
Равшанов Собир Кенжаевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Самарқанд вилояти филиали Нарпай тумани бўлими ҳайдовчиси
Тожибоева Саломатхон Давранбоевна — Избоскан туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Андижон вилояти
Эрматов Абдумалик Абдурахимович — Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасининг травматология пункти травматологи, Фарғона вилояти
Якубов Раҳим Камилевич — Тошкент давлат стоматология институтининг болалар юз-жағ жарроҳлиги кафедраси профессори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 10 ноябрь

Италия элчиси Агостино ПИННА:

БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ, ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА АНА ШУ ҚАДРИЯТЛАРНИ ДОИМ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ КЕЛАЁТГАН ДАВЛАТ СИФАТИДА ЮКСАК ҚАДРЛАЙМИЗ

Италия Президенти Сержо Маттарелланнинг Ўзбекистонга ташрифи арафасида «Дунё» АА муҳбири ушбу мамлакат элчиси Агостино Пинна билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, жорий йилнинг 7 — 9 июнь кунлари Италияга Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг самарали учрашувларга бой тарихий ташрифи амалга оширилган. Ташриф якунлари бўйича Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинган. Сиз Италия раҳбарининг Ўзбекистонга жавоб ташрифидан нималарни кутасиз?

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Италияга ташрифи жуда самарали бўлган эди. Ушунда муҳим шартномалар имзоланди.

Энг асосийси, мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинган бўлди. Бундан ташқари, 11 та муҳим ҳужжатнинг имзоланиши, ташриф доирасида бизнес форуми ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Ҳамкорлик кучайиб бораётгани ва самарали натижаларга эришаётганимиз ўзаро ташрифларга йўл очмоқда. Шу ўринда Ўзбекистоннинг ошиб бораётган мавқеи мамлакатининг Италия учун янада муҳим давлат айлантирмоқда. Шунингдек, биз Ўзбекистонда инвесторларнинг, компанияларнинг унун кенг имкониятларини кўряпмиз. Бундан ташқари, биз Ўзбекистонни барқарорлиқни, тинчликни таъминловчи, халқаро муносабатларда ана шу қадриятларни доим қўллаб-қувватлаб келаётган давлат сифатида юксак қадрлаймиз.

— Ўзбекистон — Италия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболий ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз. Ўзаро ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, ўртамиздаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун эришилган ҳамкорлик даражасини сақлаб қолиш ва ривожлантириш зарур. Бугунги кунда савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланиб, кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганини кўриб турибмиз. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар яхши ривожланиётганининг ёрқин далили. Биз мамлакатларимизнинг турли вазирилик ва идоралари ўртасидаги доимий алоқаларни йўлга қўйишмиз, ўзаро манфаатли лойиҳаларни муҳокама қилишни кенгайтиришимиз керак. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган декларациянинг максадларидан бири ҳам стратегик шериклик ва стратегик мулоқотни яраттирдан иборат.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизнинг замонавий ривожланиши, бу ерда яратилган сармоявий муҳит, шунингдек, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун очилаётган имкониятларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистоннинг фаровонлик йўлидан олға интилаётганини юксак қадрлаймиз. Ўтган бир неча йил давомида ислохотлар дастурининг самараларини кузатиш ва гувоҳи бўлдик. Италия Президентини Сержо Маттарелланнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатни янада обод ва тарққий этган давлатга айлантириш йўлидаги саяё-ҳаракатларга юксак баҳо беришимиз ҳамда унга бўлган қизиқишимизнинг тасдиғидир.

— Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишларидан бири — бу мамлакатимизда янги қишлоқ

ҳўжалиги экзини — заъфарон етиштиришди. Мазкур жабҳадаги ҳамкорлик истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— Мен ҳам бу лойиҳа билан яқиндан танишман. Ушбу лойиҳа яхши натижалар қайд этаётганини ва шу аснода кенгайиб бораётганини кўряпмиз. Демак, бу қишлоқ ҳўжалигидаги ҳамкорликнинг муваффақиятли белгисидир. Ҳозирги кунда ушбу соҳада ҳамкорликдаги янги лойиҳалар муҳокама қилинмоқда. Биз Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларни кенглигини яхши биламиз. Сентябрь ойида Самарқандда Озёк-овқат хавфсизлиги бўйича бўлиб ўтган халқаро анжуманда Италия қишлоқ ҳўжалиги вазири қатнашди. Умумий қилиб айтганда, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва шунга ўхшаш янги лойиҳаларни йўлга қўйиш устида музокаралар қўзғин давом этмоқда.

— Иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда яна қайси истиқболли йўналишларни таъкидлаган бўлар эдингиз?

— Ававало, энергия тармоғини айтишим мумкин. Нефть ва газ соҳасида Италия технологияси дунёдаги энг яхшиларидан бири. Демак, ушбу жабҳа ҳам ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўла олади. Бундан ташқари, автомобилсозликда, қурилиш, архитектура, реставрация соҳасида ҳам имкониятлар мавжуд. Уларнинг баъзиларида аллақачон Италия компаниялари ишламоқда. Ва, албатта, мода. Шу ўринда тўқимачилик ҳам муҳим йўналиш эканлигини ёдда тутиш керак.

— Таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳолатини қандай баҳолайсиз?

— Албатта, таълим ҳам шериклигимиз яхши ривожланиётган ва кенгайиб бораётган муҳим соҳа. Масалан, Турин политехника университети билан ҳамкорлик натижасида ўзбек талабалари ўзлари фойдаланиши мумкин бўлган дипломга эга бўляпти. Шунингдек, ушбу диплом Европада тан олинади. Яна бир лойиҳа — Пиза университети филиалининг очилиши. Ушбу лойиҳа ҳам худди шундай, яъни дипломларни бирига қўшиб олиш концепцияси асосида фаолият кўрсатади. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашувини ривожлантириш, янада йирик лойиҳаларни ишлаб чиқиш устида ишлаяпмиз. Шунингдек, умумий мумкинли, таълим соҳаси ўзаро ҳамкорлигимизнинг жуда истиқболли йўналишидир.

— Рим ҳам, Ўзбекистоннинг ҳозирги худуди ҳам инсоният цивилизациясининг муҳим марказларидан бири бўлган. Мамлакатимиздаги ушбу йиллик фаолиятингиз давомида икки миллат тарихий илдизларининг замонавий маданий-гуманитар муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган қандай воқеаларнинг гувоҳи бўдингиз?

— Албатта, маданият ҳам ҳамкорликнинг муҳим соҳаси, чунки бизда умумий тарихий мерос мавжуд. Шундай экан, Самарқанд вилоятида иккита ва Қорақалпоғистон Республикасида битта ўзбек реставраторларини тайёрлаш марказини ташкил қиляпмиз. Бир неча ҳафта олдин биз, элчиюна биносида Марко Полога бағишланган кўргазмани очдик. Ушбу кўргазмада ўзбек рассомлари ва усталари томонидан яратилган бир қанча ижодий ишларни намойиш этдик. Билмамик, Марко Поло Самарқандда ва Бухорода бўлган, ўз асарларида бу икки шаҳарни тасвирлаб берган. Бу ҳам бизнинг кўп йиллик муносабатларимиз рамзидир, бугунги кунда биз буни ушбу асарлар орқали билиб олишимиз мумкин. Шунинг учун, умумий алоқаларимиз узоқ тарихдан бугунги замонавий муносабатларга кўчиб, унга янада куч бермоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЖАМИЯТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР МАҚСАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан қатор тадбирлар ўтказилди. Уларда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларнинг рўёбга чиқарилиши, хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини оширишга оид қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди ҳамда бу бўйича тегишли тақлифлар илгари сурилди. Шунингдек, транспорт тизимини рақамлаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш борасидаги ишларнинг ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилганда оид масала ҳам депутатлар томонидан кўриб чиқилди ва мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Барқарор ривожланишга оид ишлар назоратда

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда бир йилда 51 — 53 млрд. куб метр сувдан фойдаланилади. Шундан, 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер ости манбаларидан олинади. Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонини ва иқтисодий тармоқлари ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши каби омиллар сув ресурслари тақчиллиги тобора кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси ҳамда Сенатнинг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган конференция барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалаларида бағишланди.

Таъкидланганидек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида юртимизда барқарор ривожланиш соҳасида иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларга оид 17 та миллий мақсад ва уларга эришиш бўйича 126 та мақсадли вазифар тасдиқланган.

Инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экотизимни таъминлаш доирасида мамлакатини

мизда сувнинг ифлосланишини камайтириш, чиқинди сувлардан самарали қайта фойдаланиш чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу масалалар 2030 йилгача бўлган даврда ҳам депутатлар томонидан кўриб чиқилди ва мавжуд камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий вазифаларни бажариш мақсадида кейинги олти йилда 14 трлн. сўмлик ишлар амалга оширилиб, аҳолининг марказлашган ичкилик суви билан таъминланганлик даражаси 51 фоиздан 74,4 фоизга етказилган. Конференцияда мамлакатимизда сувнинг ҳар қандай фаолият натижасида ифлосланиши сезиларли равишда камайтириш ҳамда оқилона фойдаланишни таъминлаш ишлатиш ҳажмини ошириш мақсадида мўайян ишлар амалга оширилиётгани қайд этилди. Хусусан, санаот корхоналарида белгиланган нормадан орტიқча ифлосланган сувларни тозалаш вазифаси юклатилган, локал оқова сув тозалаш иншоотлари ўрнатмаган корхоналарга компенсация миқдори 5 бараварга оширилган. Анжуманда депутатлар ҳар бир вазирилик ва идоранинг БРМ бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар юзасидан аниқ, қатъий чоралар кўриш бўйича тақлифлар беришди.

Замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ҳамда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси ҳамкорлигида Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда «Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумий фойдаланиш имкониятини таъминлаш» мавзусида дара суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда БРМ соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижро этилишига алоҳида эътибор қаратилиб, бу бўйича аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш, ривожланиш натижаларига эришишда парламентларо ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, мазкур мақсадларни «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида рўёбга чиқариш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмоқда. Аинқиса, жаҳон энергетика мубозанатида қайта тикланувчи манбалардан олинадиган энергия улушини кўпайтириш, энергия самарадорлигини яхшилаш, бу борадаги инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар натижасида юртимизда арзон, ишончли ва замона-

вий энергия таъминотида умумий фойдаланишга зарур шарт-шароит яратилмоқда. Шунингдек, энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам қўзғалган мақсадларга эришилди.

Келгусида яна бир қатор муҳим вазифарларни белгилаш кўзда тутилмоқда. Жумладан, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш завзига йилга қарийб 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш, 2030 йилга қарийб, энергия сифимлигини 1,5 марта камайтириш, «иссонқона газлари»нинг ажратмаларини 2010 йилгача даражадан 35 фоизга қисқартириш, шу билан бирга, аҳоли ва иқтисодий тармоқларнинг барқарор энергия ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш белгиланган.

Давра суҳбатида иштирокчилар республикамизда ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетика балансидаги қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш ҳамда ушбу йўналишни тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилиб борилаётганига эътибор қаратди. Шунингдек, соҳадаги ислохотлар эътибор этилиб, ечимини кутаётган айрим муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тақлифлар билдирилди.

Транспорт тизимини рақамлаштиришда қандай муаммолар бор?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиебати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган йиғилиш транспорт тизимини рақамлаштириш ва соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича янги ислохотлар самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ишлари якунларига бағишланди.

Тадбирда қуйи палата депутатлари, Рақамли технологиялар вазири, Транспорт вазирилик масъуллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда республикамизда транспорт соҳасининг бошқарув мезонларини такомиллаштириш, транспорт тизимини рақамлаштириш, соҳага илгор ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобига транспортнинг барча турини интеграция қилиш ҳамда фойдаланувчилар учун интерфаол хизматлар кўламини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда масъул кўмита депутатлари томонидан транспорт тизими корхоналарида ахборот технологияларини кенг жорий этилишини тартибга солишга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларининг жойлардаги ижроси назорат-таҳлил фаолияти доирасида ўрганилгани қайд этилди.

— Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорларида белгиланган миллий транспорт тизимига жорий этилаётган рақамлаштириш ишларининг хизматлар самарадорлигига ижобий таъсири депутатлар ишториқда жойига чиққан ҳолда ўрганилди ва баҳоланди. — дейди Қонунчилик палатаси депутати Умид Жабборов. — Транспорт вазирилик ҳузурида ташкил этилган «Рақамли транспорт» маркази ҳамда пойтахтнинг бутун худуди бўйича ҳаракатланаётган транспорт турлари ва автомобиль йўллари онлайн кузатиш имкониятини берувчи Ситуацион марказ фаолияти билан яқиндан танишилди. Мазкур марказларда яратилган шартлилар, улардаги диспетчерлик марказларининг замонавий компьютерлар, алоқа ва ахборот технологиялари билан таъминланган даражаси, ишга туширилган ахборот-маълумот дастурларининг самарадорлигини ўргандик. Шу жараёнда соҳани рақамлаштиришда қўллаб ишлар амалга оширилганлиги билан бир қаторда, ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, йиғилишда жомат транспорт тизимини рақамлаштириш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш ва аҳолининг жомат транспортидан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қиладиган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлиф-тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗ ТАШРИФИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ДАРВОЗА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

Италия оммавий ахборот воситалари Президент Сержо Маттарелланнинг Ўзбекистонга расмий ташрифини кенг ёритмоқда.

Италиянинг энг қадимий нашрларидан бири — «Il Giornale d'Italia» газетасида 9 ноябрь кунин Италия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланган ҳақида ёзишди. Унда Ўзбекистон Президентини билан икки томонлама музокаралар, шунингдек, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети филиали фаолияти билан танишуви ўз ичига олган ташриф дастури таъкид этилган. Шунингдек, Италия Президентини Самарқанд ва Хива шаҳарларига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси билан танишиши ҳақидаги маълумотлар мушаррийлар эътиборига ҳавола қилинган.

Нашрада Ўзбекистоннинг Ломбардия ва Лигуриядаги фахрий консули Массимо Поллио билан Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда истиқболлари, мамлакатимиз салоҳияти ва сайёҳлик имкониятларига бағишланган батафсил интервью босилган.

Ушбу мамлакатнинг етакчи «Agenzia Nova» ахборот агентлигининг «Nova News» онлайн нашри Италия Республикаси раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида имзоланган режалаштирилган ҳужжатлар тўплами тўғрисидаги мақолани эълон қилди.

«Сержо Маттарелла Оскар Лундичи Скальфаро ташрифидан сўнг, 1997 йилдан буюн Марказий Осиеънинг ушбу давлатига ташриф буюрган биринчи Президент бўлди, — деб ёзган электрон нашр муҳбири. — У ўзбекистонлик ҳамкасби Шавкат Мирзиёев билан икки томонлама учрашув ўтказди. Уз навбатида, Сержо Маттарелла ушбу ёзда Кавринал саройида қабул қилган эди».

Мақолада Сержо Маттарелланнинг ташрифи жорий йилнинг июнь ойида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг

қабул қилиниши натижасида тўдан ўзгарган Италия ва Ўзбекистон алоқалари янада туртки бериши таъкидланган. Бу сиебсий, савдо-иқтисодий, харбий, маданий ва туризм соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашни, шунингдек, икки йилда бир марта ташқи ишлар вазирилари ёки уларнинг ўринбосарлари ҳамраислигида икки томонлама муносабатлар, шунингдек, ўзаро манфаатли глобал ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш учун стратегик мулоқот ўрнатишни назарда тутди.

«2022 йилда Италия ушбу Марказий Осиеъ давлатининг Европадаги иккинчи савдо шериги бўлди. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 535 миллиард евродан ошди, бу ўтган йилдагига нисбатан 32 фоизга кўп. Ававалги йилда ушбу кўрсаткич 400 миллиард доллардан сал кўпроқни ташкил қилган», дейилди нашрада.

Таъкидланганича, Италия Ўзбекистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш орқали Марказий Осиеъ минтақасига эътиборни кучайтиради.

Италиянинг етакчи «Giornale Diplomatico» онлайн газетасида «Ўзбекистон: Президент Маттарелланнинг ташрифи ўзаро муносабатлардаги янги кадам» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Ўзбекистоннинг Флоренциядаги фахрий консули Леонардо Комуччи қаламига мансуб мазкур мақолада ташрифининг аҳамияти ва Марказий Осиеъ давлатининг роли таъкидланган.

Муаллиф Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил июнь ойида Рим ва Миланга ташрифи, олий даражадаги сиебсий ва ишбилармонлик учрашувлари, шунингдек, стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг Ўзбекистон Италиянинг яқин ҳамкорларидан бирига айланганини алоҳида қайд этган. Президент Сержо Маттарелла ўз ташрифи билан Марказий Осиеъга дарвоза бўлган ушбу давлатга алоҳида эътибор қаратмоқда, дейилди мақолада.

«Ўзбекистон, албатта, италян компаниялари учун жуда қизиқ ва муҳим бозор. Мамлакатда 35 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладди, 2035 йилга бо-

риб уларнинг сони 50 миллионга етиши мумкин. Мамлакат аҳолисининг асосини ёшлар ташкил қиладди. Ўзбекистон иқтисодийи ҳам жадал усиб бормоқда. Бу давлат, шунингдек, сиебсий жиҳатдан ҳам барқарор. Бу Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий соҳада ҳам, фуқаролик ҳуқуқлари йўналишида ҳам ислохотларни оқилона бошлаган ва муваффақиятли оидмлаётган президентлик республикасидир», деб таъкидлаган фахрий консул.

Леонардо Комуччи, шунингдек, Италия Евроосиеъ митаксидида, айнқиса, дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан барқарорлиқни, шунингдек, иқтисодий нуктаси назардан динамиклиқни қўрсатаётган Ўзбекистонда тобора кўпроқ иштирок этиши керак, деган фикр-ишлари илгари сурган. «Мамлакатда амалга оширилаётган ийрик қонунчилик ўзгаришларининг муваффақиятли ҳаётга таъбиқ этилиши натижасида юзага келган хавфсизлик инвестиция ва санаотни ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда», деб ёзган у.

«Дунё» АА. Рим

Давра суҳбати

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА ЭРИШИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Кечя Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси томонидан Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари билан ҳамкорликда «Инклюзив ва адолатли, сифатли таълимни таъминлаш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА КАМАРБАСТА

Дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали даврда Ўзбекистонда халқ билан мулоқот ва одамларни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислохотлар ҳаётга татбиқ этилаётган мамлакатда барқарорликни таъминлаш, тараққиётни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан "Инсон қадрини унён" деган бош ғоя асосида амалга оширилаётган эзгулик, инсонийлик тамойилларини ўзида мужассамлаштирган кенг қўламли чора-тадбирлар халқ манфаатлари устуворлигига эришиш, юрtdошларимиз турмуш даражасини ошириш, одамларнинг эртага эмас, бугун ҳам яхши яшашини, фаровон турмуш кечиршини таъминлашга замин яратибди.

Ана шундай ислохотлар жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бўлиб, ушбу тузилма мамлакатимиздаги энг халқчил, инсон қадр-қимматини

юксалтиришга қаратилган ишларга камарбаста, йирик фуқаролик институтига айланди. Мазкур ташкилот касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, халқ ичига дадил кириб борди. Оқдид одамларнинг дарду ташвишларини аритиш, оғирини енгил қилиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, ушбу тамойилни кенг қўламли фаолиятининг асосий мезонига айлантирди.

Айни чоғда 6 миллион нафарга яқин ишчи-хизматчиларни ўз сафида бирлаштирган касаба уюшмалари уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда яқиндан ёрдам кўрсатиб, юртимизда кучли ижтимоий ҳимоя сийсатини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг иш олиб бормоқда. Бу эса янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари тизими тўла шаклланди, дейишга асос бўла олади.



Муносиб меҳнат шaroитлари яратилмоқда

Алоҳида таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари эркин ва кенг қўламли фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шaroит яратилган. Бунинг натижасида охириги йилларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилди, касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикликни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигини тақомиллаштириш ва Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификация қилишда ҳамкорлик йўналишларидаги фаолияти сезиларли даражада ошди.

Бундан ташқари, овқатланиш, йўлқира, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хариб қилиш учун тўловлар, тармоқда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар)ни имтиёзли тартибда бериш, маълум воқеалар, яъни таътил, тўй-ҳашам, пенсияга чиқиш, таъзия, хасталик, жароҳлик операцияси зарурати бўлганда моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат учун рағбатлантириш каби анъанавий ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланилаётди.

Жорий йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари томонидан ижтимоий шериклик асосида олиб борилган ишлар натижасида жамоа шартномаларининг жами бандларида белгиланган тадбирларнинг 97,7 фоизга бажарилишига эришилди.

Қатор тармоқ ва ҳудудларда жамоа



шартномаси иш ҳақи миқдорини оширишининг самарали воситасига айланаётгани ҳам қувонарли. Чунончи, республика бўйича 19 минг 15 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициенти кўтарилишига эришилди. Ва бу орқали 890 минг 417 нафар ходимнинг, яъни жамоа-шартномавий муносабатлар билан камраб олинган жами ходимлардан 19,2 фоизининг иш ҳақи оширилди.

Жамоа шартномаларида киритиш орқали иш даври ва дам олиш вақтинини тартибга солиш борасида аксарият корхона ҳамда ташкилотларда асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллари ўрнатилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бунинг натижасида 2 млн. 188 минг нафардан зиёд ходимлар асосий узайтирилган, 2 млн. 940 минг нафардан зиёд эса йиллик қўшимча таътиллardan фойдаланмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, меҳнаткашлар, жумладан, ишловчи аёллар, пенсия ёшидаги ходимлар, ногиронлиги бор шахсларга жамоа шартномалари орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари билан суд, прокуратура, ҳокимият органлари, меҳнат инспекциясига қилинган муносабатлар натижасида меҳнаткашларга ўз вақтида тўланмаган 24 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақи ундириб берилди.

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, бандликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, хусусан, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгилаш, шунинг-

оила аъзоларини соғломлаштириш. Бундан 7-8 йил аввал касаба уюшмалари тизимида жами 17 та санаторий фаолият кўрсатган бўлса, 2023 йилга келиб уларнинг сони 31 тага етди. Федерация тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида 2017 йилда 5 минг 257 ўрин мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда улардаги ўринлар сони 7 мингтага етказилди. Натижада касаба уюшма санаторийларида йил давомида 200 минг нафарга яқин кишиларни соғломлаштириш имкони яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 150 минг нафардан зиёд ходим-

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида унутилмас ва зарҳал ҳарфлар билан ёзилган кун, десак, айни ҳақиқат. Бундан уч йил муқаддам қабул қилинган тегишли қонунга мувофиқ, мамлакатимизда илк бор ушбу сана Ўзбекистон касаба уюшмалари кун сифатида нишонланган эди. Бу, албатта, мазкур фуқаролик институтининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрнига, ислохотлар жараёнларидаги иштироки ва аҳамиятига берилган юксак баҳодир.

лар ва уларнинг оила аъзолари, 300 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари имтиёзли асосларда соғломлаштирилди. Кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилалар вакиллари, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар учун

акциялар ташкил этилиб, улардан қариб 3 минг нафари бепул йўланмалар билан соғломлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилги ёз мавсумида 1 минг 11 та оромгоҳ фаолият кўрсатиб, уларда 350 минг нафарга яқин болалар соғломлаштирилди. Болаларнинг қизиқишлари инобатга олиниб, мавсум давомида 60 дан ортиқ иктисослаштирилган оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мавсум давомида Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг, Хоразм вилоятидан 1,5 минг нафар бола ўз ҳудудларидаги энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда имтиёзли соғломлаштирилди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 7,6 минг нафардан ортиқ фарзандлари стационар турдаги оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Халқаро ҳамкорлик дастурлари доирасида эса тожикистонлик ва қирғизистонлик ўғил-қизлар Фарғона вилоятидаги болалар оромгоҳларида саломатликларини тиклади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишлари сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида ҳамда касаба уюшма аъзоларининг талаб ва тақлифларидан келиб чиқиб Федерация томонидан янги замонавий санаторийлар ва болалар оромгоҳларини қуриш ишлари бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Жорий йилда Сурхондарё вилоятининг Сароисиё туманида қурилиб, фойдаланишга топширилган "Сангардак" санаторий-соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси мисолида айтадиган бўлсак, ушбу санаторий маҳаллий аҳоли ва зйбатчиларнинг бир умрлик орзусини рўёбга чиқарди. Қулай иқлим ва муҳитга эга бўлган бу манзилда юрtdошларимизнинг саломатликларини мустаҳкамлашлари, дам олиб, маданий ҳордик чиқаришлари учун барча шарт-шaroит муҳайё этилган.



Кейинги йилларда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар аҳолининг соғлигини тиклаб, муносиб дам олиши учун зарур қўлайликларни яратиш баробарида юртимизнинг туристик салоҳиятини ошириб, миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Академия етук кадрларни тайёрлайди

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасига замонавий bilim ва малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги

нинг ўқув ва электрон заллари мавжуд бўлиб, электрон кутубхонадан масофавий ҳолда фойдаланиш мумкин. Асосий машғулотлардан сўнг талабаларнинг фанлари бўйича мустақил шўғулланишлари учун компьютер синфлари, лабораториялар ва махсус хоналар мавжуд.

Жамоатчилик назоратининг самарали воситаси

Бугун жамият ривожини йўлида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кириб бормаган жабжа қолмади, ҳисоб. Қайси соҳа бўлмасин, барчасида ушбу жамоат ташкилотининг ўрни яққол сезилади.

Касаба уюшмалари Федерациясининг бевосита иштирокида илк бор иш ҳақи учун минтақавий ва тармоқ коэффицентлари, шунингдек, иқлим шaroитлари оғир ҳамда ноқулай бўлган ҳудудларда ишлаш учун ходимларга қўшимча таътилни минимал давомийлиги тасдиқланди.

Қабул қилинган "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонун асосида касаба уюшма инспекцияларини қайта тиклашга эришилди. Бугунги кунда ушбу инспекциялар жамоатчилик назоратининг самарали воситаси сифатида ишчилар муносабатларини ўрганиш ва тезкор кўриб чиқиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишларни олиб бормоқда.

Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари билан келишувларда ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофазалаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, жумладан, болаларни соғломлаштириш масалалари ўз аксини топи. Аксарият тармоқларда уч ёшга

халқаро тажрибани пухта биладиган етук ва малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 23 августдаги тегишли қарорига мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилди.

Иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаблар ҳамда стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага оид муаммоларни илмий ҳамда амалий жиҳатдан ҳал этиш мазкур академиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда академиянинг педагогик тарихи шакллантирилган. Бу ерда меҳнат ва ижтимоий муносабатларнинг етти йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга илмий асосланган ва марказлашган ҳолда эътибор қаратилмоқда.

Академия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга, шунингдек, илмий-амалий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой давлатларидаги турдош институтлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Италияда жойлашган Турин ўқув маркази ва бошқа муассасалар, тегишли миллий ва халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ҳамкорлик, шунингдек, ушбу соҳаларда бошқа давлатлар билан тажриба алмашиш ўқув фаолиятини, комплекс ўқув лойиҳаларини, маслаҳат хизматларини, ўқув материалларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Қувонарлиси, таълим муассасасида талабаларга барча имконият яратилган. Таълим янги технологиялар асосида жиҳозланган аудиторияларда олиб борилади. Ўқув жараёнининг автоматлаштирилган тизими ҳам жорий этилган. Бундан ташқари, ўқув биносида талабалар учун бепул Wi-Fi интернет тармоғи, кутубхона-



катни бартараф этиш иштирокчиларини, байналмилалчи жаңчиларни имтиёзли соғломлаштириш каби кўплаб ижтимоий ҳимоя чоралари кўрилди.

Халқаро алоқалар кенгаймоқда

Ўзбекистон касаба уюшмалари чет эл миллий касаба уюшмалари марказлари, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Касаба уюшмалари умумқонфедерацияси билан алоқалар ўрнатган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида халқаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан алоқалари янги босқичга кўтарилди. Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига ассоциациялашган аъзо сифатида кирди. Касаба уюшмалари умумқонфедерациясига аъзоликка қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши тузилди. Минтақа давлатларининг турдош ташкилотлари билан келишувлар имзоланди. Шу ўринда жорий йил Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис этилгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, ўтган ойда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг (МОМКУ) IV йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унинг ишида Кенгаш аъзолари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон миллий касаба уюшма марказлари раҳбарлари ҳамда делегация аъзолари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилоти экспертлари қатнашди.

Мазкур анжуман иштирокчилари минтақа мамлакатларида меҳнат миграциясини тартибга солиш, МОМКУ Ёшлар кенгашини тузиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ҳамда Халқаро ва ички туризмин ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш, Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмаларининг 2023 йилдаги "Энг яхши жамоа шартномаси" минтақавий кўрик-танлови яқунлари тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг халқаро ташкилотлар билан алоқалари му்தақо янги босқичга кўтарилганидан дарак беради.



тўлмаган фарзанди бор аёллар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайди) иш вақти белгиланди. Барча жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнатни муҳофазаси қилиш, шартлари соҳасида аёллар, ёшлар, ногиронлиги бор шахслар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тахсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгиланишига эришилди.

Масалан, кўп болали аёлларга ҳамда уч ёшга тўлмаган фарзандини тарбиялаётган аёлларга қисқартирилган иш вақтининг ўрнатилиш, ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшга бола тарбияси билан банд аёлларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга имтиёзлар белгиланган, олий ўқув юртиларида ўқётган, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва шартнома пуллари қисман тўлаб берилмаган бўлди.

Пенсионерларга коммунал хизматларга ҳақ тўлаш учун моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш, ногиронлиги борларни, Чернобыль АЭСдаги фалоларига

Бугун мамлакатимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини кенг нишонланмоқда. Хусусан, республикамиз ҳудудларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат жамоаларида, вилоят ҳамда туман марказларида, энг чекка ҳудудларда санага бағишланган тадбирлар, жумладан, меҳнаткашлар билан очик мулоқот ҳамда учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар, илгор ва фаол меҳнаткашларни рағбатлантириш ҳамда маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Байрам муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан мамлакатимиздаги Мурувват ва Саховат уйларида ишлаётган ходимлар ҳамда ушбу муассасаларда истиқомат қилувчилар учун мулоқот тадбирлари ўтказилиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда, эсдалик совғалари тақдим этиляпти.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бундан кейин ҳам серқирра фаолияти билан турли соҳа ходимларининг манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларини изчил давом эттиради. Шунингдек, ҳар бир корхонада ишчи-ҳодимларга меҳнатига яраша ҳамда муносиб ҳақ белгилиниши, иш ҳақининг ўз вақтида, тулик тўлаб борилиши ва бошқа масалалар бўйича доимий жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Муҳтасар айтганда, касаба уюшмалари янги Ўзбекистоннинг бош меъёри — Президентимиз олиб бораётган одилона сийсатни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш йўналишларидаги ишларини изчиллик билан давом эттиради. Янги Ўзбекистоннинг ҳар бир соҳада улкан марраларни эгаллашига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ўз олдига қўйган вазифаларини оғишмай амалга оширади.

Раҳим ШЕРКУЛОВ, Нуриллох ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

СОҒЛОМ ХАЛҚ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Кўрик-танлов

«БИР НУРОНИЙ — ҲАМ ҲАММА»

Бухоро шаҳрида "Бир нуруний — ҳама ҳамма" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 мартдаги "Кекса авлод вакиллари ҳақида муваффақият қўлга олиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилган ушбу тадбир кўриб чиқилган бўлиб, ушбу тадбир кўриб чиқилган бўлиб, ушбу тадбир кўриб чиқилган бўлиб...

Иштирокчилар танловнинг якуний босқичида урта шарт бўйича беллашди. Хусусан, уларнинг ўзларига бириктирилган ёшлар билан ишлаш борасидаги тажрибаси тадбирда йиғилган ўнлаб кекса авлод вакиллари учун қизиқarli ва фойдали бўлди.

Яқинда мезонлар вакили — Қорувулбозор туманидаги "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Матлуба Орипова фахри биринчи ўринга муносиб топилди. Тошкент шаҳрининг Олмасор туманидаги "Истикбол" маҳалла фуқаролар йиғини нурунийлар кенгаши раиси Гулнора Тилибова ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги "Қумтепа" маҳалла фуқаролар йиғини фаол отахони Маъруфжон Йўлдошев иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Маҳалламиз жиноятдан холи ҳудудга айланган, бошқача айтганда, исми жисмига монанд, — дейди танлов ғолиби Матлуба Орипова. — Бу маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли ҳамда ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда ишлаш самараси, албатта. Мен ун нафар ёшга масъул этиб белгиланганим. Бугунги кунга келиб, улар барчасининг муаммоси тўлиқ бартараф қилинди. Энди яна бир гуруҳ ёшлар билан ишлаб, уларни қийнаб келаётган масалаларни маҳалла билан ҳамкорликда ҳал этиш ниятидаман.

Кўрик-танловнинг турли номинациялар бўйича ғолиблири номи ҳам аниқлиниб, уларга ташкилотларга томонидан диплом, ташаккурнома ва қимматбахо совғалар берилди. Бухорода, шунингдек, "Маҳалларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар тарбияси ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда нурунийларнинг ўрни" маърузида республика семинари ҳам ўтказилди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Табиат

«ОНАЛАР БОҒИ» МЕҲР БОҒИГА АЙЛАНДИ

Бундан икки йил аввал бошланган "Яшил макон" умумийлик лойиҳаси Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ҳам илчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётди. Утган даврда ушбу хайри тadbир доирасида 2,6 миллион тўдан ортқ қўчатлар ўтказилди, қўқартириб олингани бунинг яққол тасдиғидир.

Айни ҳаракат натижасида "Шоҳидон нури дийр" массивида ташкил этилган 5 гектарлик "Яшил боғ", бир қатор маҳаллаларда барпо этилган "Яшил жамоат парклари", "Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси" ҳудудидаги икки гектарлик "Яшил бел-боғ" ва бошқа маҳалларда экилган мевали ҳамда манзарали қўчатлар барқ уриб, қўзларни қувонтирмоқда.

Тўрақўрғонликлар умумийлик лойиҳининг жорий йил кузи мавсумига ҳам ушқоқлик билан киришишди. Жойларда ўтказилиши режалаштирилган 580 минг туп қўчатнинг 248,5 минг тупи белгиланган майдонлардан ўрин олди.

Яқинда яна бир хайри юмушга қўл урилиб, бу ерда "Оналар боғи"га асос солинди. Унинг ташкил этилишида тумандаги эллиқдан ортқ ташкилот ва муассасаларда раҳбарлик лавозимида ишлаётган хотин-қизлар жамланиб, 250 тупдан кўпроқ мевали ҳамда манзарали дарат қўчатларини экишди.

Бугун янги боққа меҳр билан ниҳоллар эдик, — дейди Ўзбекистон Қарамони Халқхон Мирзаева. — Бу жой, ҳадемай, кўпчилик ҳавас қиладиган дилторат масканга айланади. Унда яшнар ўсадиган даратлар мевадаси дастурхонимизни тўлдирса, манзарадорлари чижаронинг тоза ҳаво атроф-муҳит мусаффолигига хизмат қилади, албатта.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда тиббиёт соҳасида қўлланилаётган илгор инновацион технологиялар ислохотлар йўлидан бораётган, янгилаётган Ўзбекистон тиббиётига ҳам жадаллик билан жорий этилмоқда. Ана шундай янгилашулардан бири давлатимиз раҳбари ташаббуси ва топшириғи билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида мамлакат тиббиёти тарихида илк бор органлар трансплантацияси бўйича замонавий операцияларни амалга ошириш бошлангани бўлди. Бу ерда буйрак ва жигар кўчириш ўтказиш бўйича энг мураккаб амалиётлар муваффақиятли бажариб келинапти. Ҳозирги кунда соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда.

Ислохот

Оддий жарроҳликдан — мураккаб амалиётлар сари



Мен бир кунда 4 тадан 10 тагача ўртача энгил характерга эга бўлган ҳар хил операцияларни ўтказаман. Хирургия марказини оладиган бўлсам, бир кунда 25 тадан 40 тагача мураккаб амалиётлар бажарилади. Бу юрак ишемик касалликлардан тортиб, юракка, томиларга стенд қўйиш, юрак клапанларини алмаштириш, кейинги йилларда бизда кенг йўлга қўйилган буйрак трансплантацияси дейсизми, барчаси ўзимизда бўлади.

2018 йилдан 2021 йилгача Россия, Ҳиндистондан келган малакали жарроҳлар иштирокида марказимизда яқин қариндошлар ўртасида буйрак кўчириб ўтказиш бўйича операциялар ўтказилиб келинди. Ундан кейин бу амалиётни ўзимиз мустақил равишда бажарадиган бўлдик. Бундай амалиёт бир ҳафтада 8 тагача бажарилади. Энди тасаввур қилинг, беморларимиз илгари бундай мураккаб операция учун чет давлатларга боришарди. Унга кетадиган харажатлар ҳаммининг ҳам чўнтағига тўғри келармайдими.

Унча бунга умуман руҳсат бўлмаган, Ўзбекистонда органлар трансплантацияси тўғрисида қонун йўқ эди. Президентнинг саяё-ҳаракатлари натижасида шундай ҳуқуқий асос пайдо бўлди. Бундан ташқари, минглаб юртдошларимиз жигар хасталиғи билан марказга мурожаат қилишган. 2018 йилда ушбу жарроҳлик марказида Ўзбекистонда илк бор жигар трансплантацияси амалиёти муваффақиятли ўтказилди. Бу Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида янги даврни бошлаб берди, десак, адашмаймиз.

Органлар кўчириб ўтказишда жаҳон тажрибаси

МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Беларусь, ҳатто қўшни Қозоғистон ва Тожикистонда органлар трансплантацияси биздан аввалроқ йўлга қўйилди. Мен бир нарсани афсус билан эсламанки, 2016 йилгача беморларга органлар трансплантацияси бўйича Ўзбекистонда ҳеч қандай гап-сўз ҳам йўқ эди. Уша пайда яқин қўшнимиз бўлган Қозоғистон, ҳатто, Тожикистонда 2005 — 2010 йилларда трансплантология ривожланганди.

Биз тиббиётда ҳамма вақт улардан олдинда бўлганмиз. Лекин шундай даврлар бўлдики, улардан орқанда қолиб кетдик. Мана, тасаввур қилинг, АҚШ, Жанубий Корея, Европа давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан қўшиб ҳисоблаганда Беларусь Республикаси трансплантология бўйича 7-ўринда туради. Нимага? Чунки 2000-йилларнинг бошида республика Президентини ана шу нарсасида алоҳида эътибор берди. Ихтисослаштирилган марказ қурилиб, трансплантология соҳаси бўйича жуда кўп мутахассислар ўқитилди. Мамлакатда шундай ҳуқуқий асос яратилдики, вафот этган инсонларнинг органларни трансплантация учун ишлатиладиган бўлди.

Ҳозир бу давлатга четдан наҳот ис-таб келаётган беморлар сон-саноксиз.

Бу ерда ҳар қандай беморга трансплантация асосида катта муваффақият билан органлар қўйиб бериляпти ва уларнинг иккинчи ҳаёти бошланмоқда. Қаранг, у ерда битта жигар трансплантацияси 200 минг долларга тушади. 7 минг доллар текшириши, 137 минг доллар операция — буларнинг ҳаммаси кассага тўланади. Бундан ташқари, беморнинг донорни қутуши бор, жойлашиши, ётиш-туришига алоҳида харажат қилинади. Бизда ҳам ўша ерда жигарини алмаштириб келганлар бор, бу гапларни ўшалар тасдиқлаши мумкин. Шунинг учун бу мамлакат тиббиёти ривожланиб кетди.

Ёки Тожикистонни олайлик. У Эрон давлати билан ҳамкорлик қилади. Тожикистонлик мутахассислар Эронга бориб ўқиб, малака ошириб келди, эронлик мутахассислар Тожикистонга келиб, уларга органларни кўчириш амалиётини ўргатди. Эрон мусулмон давлати бўлишига қарамасдан, у ерда тиббиётнинг бу соҳаси жуда ривожланган.

Биз барча тайёргарликка эгамиз

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Фармон билан 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Тиббиёт соҳасида олиб борилган изчил ислохотлар туфайли мана шундай мураккаб операциялар ўзимизда амалга ошириладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси Президентимизнинг ғояси, ташаббуси билан рўй бермоқда.

Ҳозирча беморга яқин қариндошларидан жигарининг бир бўлагини олиб ўтказялмиз. Лекин тиббиёт тили билан айтганда, мурдадан жигарни трансплантация қилиш йўлга қўйилмаган. Яқин келажақда ана шундай амалиётга ҳам руҳсат этилса, бундай операцияларни амалга ошириш янада кенгайди. Чет элдами, ўзимиздами, бундай амалиётдан ўтган ҳар бир инсон ундан кейин ҳам бизнинг назоратимизда туради.

Ҳозирча Ҳиндистонда ёки бошқа давлатларда, мамлакатимизда, буйрағи бошқалардан ўтказилган беморлар сони уч минг нафардан ошади. Ўзимизда бундай амалиётдан ўтганлар сони 1600 дан кўпроқни ташкил этади. Жигар кўчириб ўтказилганлар 360 нафардан ошқ. Уларнинг ҳаммаси назоратимизда. Операциядан кейинги даврда уларнинг соғлом бўлиб

кетиши, биринчи навбатда, кўпроқ ўзларига боғлиқ. Агар режимга риоя этмаса, белгиланган дориларни ўз вақтида қабул қилмаса, бу яхшиликка олиб келмайди.

Юқоридаги ҳар икки трансплантация усули дунёдаги энг мураккаб операция турларига киради ва бунга ўрта ҳисобда 40 — 50 минг доллардан 150 — 200 минг долларгача сарфланади. Бизда ана шу амалиёт учун жуда кўп ускуналар, жиҳозлар сотиб олинган.

Биз тахминан 15 йил илгари трансплантацияга тайёргарлик қўришни бошлаганмиз. Қонун йўқлиғи учун ҳар йили руҳсат берилишини кутар эдик. Президентимиз 2021 йил январь ойида ўтказилган селектор йиғилишида тиббиёт марказларига буйрак, жигар ва келажақда юрак трансплантацияси ўтказишни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди. Шу асосда ҳозиргача ўзимизнинг малакали мутахассисларимиз томонидан юздан кўпроқ жигар трансплантацияси муваффақиятли ўтказилди. Бу йилнинг ўзида жигар кўчириб ўтказишни 50 тагача етказишимиз керак. Республикаимизда 10 минг нафардан зиёд беморлар жигар циррози билан касалланган. Бу реестр қилиб чиқилган. Уларнинг тах-

“Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Фармон билан 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Тиббиёт соҳасида олиб борилган изчил ислохотлар туфайли мана шундай мураккаб операциялар ўзимизда амалга ошириладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси Президентимизнинг ғояси, ташаббуси билан рўй бермоқда.”

минан 10 фоизига трансплантация ўтказилиши лозим бўлса, тасаввур этинг, бу мингдан зиёд беморлар бугунги кунда жигар кўчириб ўтказишга муҳтож дегани.

Ҳозир буйрак трансплантацияси вилоятларда, ҳатто, туманларда ҳам ўтказилляпти. Жигар кўчириб ўтказишда ҳам келажақда ана шундай натижаларга эришишимиз керак. Олдимизга қўйган энг муҳим вазифалардан бири шу. Бунинг учун керакли мутахассисларни тайёрлаямиз.

Ҳозирги пайтда юрак кўчириб ўтказиш бўйича тайёргарлик жараёнилари давом этапти. Юрак тўхтаб қолганида унинг ўрнини босадиган “чап қоринча” деган аппарат бор. Жуда қimmat туради, ўшанинг маблаг Давлат тиббий суғурта жағфармаси томонидан тўлаб берилди. Қоракалпоғистоннинг чекка бир қишлоғидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бир фуқарога сунъий “чап қоринча” ўрнатилди. Ҳозир у яшаяпти. Бу ҳам юрак трансплантацияси сари қўйилган бир қадам бўлди. Бу бўйича қонун ва қонунности ҳужжатлари тайёр бўлса, иш бошланади, биз комплекс трансплантология ўтказишга тайёрмиз.

«Қора бозор»га йўл қўйилмайди

Дунёнинг аксар давлатларида инсон аъзолари савдоси одам савдосига тенглаштирилган ва унга қарши кураш олиб борилишига қарамай, жаҳон миқёсида трансплантацияга жуда катта эҳтиёж борлиги, навбатларнинг катталиғи, беморлар ўзларига керак бўлган аъзони йиллаб қутушга мажбурлиги, албатта, «қора бозор»ни пайдо қилади. Чунки ҳаёт-мамат ёқасида тур-

ган бемор узок вақт кута олмайдди, натижада унинг яқинлари кўп ҳолатларда қонунларни четлаб ўтиб, бу муаммо ечимини «қора бозор»дан излайди.

Мамлакатимизда инсон органини кўчириб ўтказиш бизнес турига айлана қолмаслиғи учун қонунчилигимизда қатор чекловлар ўрнатилган. Мамлакатимизда инсон аъзолари ва тўқималарининг олди-сотдиси тақиқланади. Бундай ҳаракатни содир этганлар, шунингдек, инсонни донорликка мажбурлаганлар жавобгарликка тортилади.

2022 йилда Президент томонидан имзоланган Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Инсон аъзолари ва (ёки) тўқималари олди-сотдиси билан шугулланганлик, шунингдек, уларни ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетганлик жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришга қўра, инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурланганлик учун жавобгарлик белгиланди ва бу қилмиш оғирлаштирувчи ҳолатларда 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бизда бу жараён жуда қаттиқ назо-

ратда, тегишли муассасаларнинг ҳуло-саси олинди, нотариял тасдиқланди ва ҳоказо. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам одам аъзолари билан олди-сотди қилишнинг умуман иложи йўқ.

Тиббиёт ривожини таъминлайдиган муҳим лойиҳалар

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий профилактика, патронаж ёрдами янада яхшилаш, тез ва шошилиқ тиббий ёрдам ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш, хусусий тиббиётни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Аллергология, онкология, нефрология ва буйрак трансплантацияси, неврология ва ин-сулът, травматология ва ортопедия ҳамда нейрохирургия каби қатор йўналишларда тиббиёт марказлари фаоли-яти ташкил этилиши ҳисобига аҳолига

Президентимиз таъбири билан айтганда, тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бугун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммаси яқши англаймиз. Биз жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлган халқимиз билан биргаликда янги Ўзбекистонни қуришга бел болаган эканмиз, орта қайтмас ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимига жорий этилаётган янгиликлар, аввало, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга, уларнинг ҳаётдан, бугунги давр ислохотларидан рози бўлиб яшашига хизмат қилади. Тиббиёт соҳасида халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бундай беқеъис ислохотлар жараёни, ишончимиз қомилки, келгусида ҳам изчил давом этади.

Миршавкат АҚБАРОВ, Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим раҳбари, Тошкент тиббиёт академияси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ОЛИЙГОҲ ФАОЛИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилаётган “QS Higher Education Summit Asia Pacific — 2023” саммити доирасида Осиёнинг энг яқши олий ўқув юртлири рейтингини аниқланди.

Хушxabар

Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) Ўзбекистон тиббий олий ўқув юртлири орасида биринчилардан бўлиб “QS Star Very Good” — 4 юлдузли олий таълим муассасасига айланди. Таълим беришда ўзига хос янги стандартларни ўрнатган академиянинг илмий мукаммал-

ликка, илгор тадқиқотларга ва талабаларни иждоий излашишга ундовчи ёндашуларга садоқати унинг халқаро нуфузини янада оширди.

Академиянинг юқори даражадаги таълимни таъминлаш ҳамда ўсиш учун қўлай муҳитни яратишга қаратилган саяё-ҳара-



катлари “QS Stars” рейтингига алоҳида эътироф этилиб, унинг олий таълим соҳасидаги сифат таъмиги уларок мавқеини янада мустаҳкамлади. ТТА фаолиятига берилган

халқаро эътироф нафақат академия, балки бутун республикамиз тиббиёт олий ўқув юртлири учун катта ютқдир. Бу академиянинг халқаро стандартларга содиқлиги ҳамда глобал рақобатбардошликка интилишидан далолат беради.

“QS Stars” рейтингини кенг қамровли ва жаҳон миқёсида эътироф этилган тизим бўлиб, у турли соҳалардаги университетларни уларнинг фаолияти ҳақида умумий тасаввурни тақдим этиш учун боғлайди. Бу жараёнда бир неча муҳим йўналишлар, жумладан, ўқитиш сифати, би-

тиривчиларининг ишга жойлашиши, муассасада олиб борилаётган тадқиқотлар, мавжуд қўлайликлар, халқаро ҳамкорлик, инновациалар, инклюзивлик ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Мазкур халқаро эътироф Тошкент тиббиёт академияси барча жиҳат бўйича энг илгор тадқиқот ташаббусларидан тортиб инновацион ўқитиш методологиялари орқали жаҳоннинг “Топ — 1000” талик рўйхатига тобора яқинлашиб бораётганидан далолат беради.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахрирчи келган қўлашлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахрирчи компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6